

Муносабат



ЁШЛАР — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Ёшликни умр баҳорига менгзашади. Сабаби, бу олтин давр ҳар биримиз учун шижоат, интилиш, ўзгариш асосида шахсий муваффақиятга эришишда ва жамият ҳаётида муносиб

ўрин эгаллашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, ёшлигимизда бизга бугунгидек имконият ва шароит яратиб берилмаган. Танлов имкониятимиз ҳам бу қадар кенг бўлмаган.

Бугунги кун ёшлари — миллатимиз фарзандлари — давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги остида камолга етмоқда. Уларга ҳар бир соҳада ўз салоҳиятини намоён этиши, билим олиши, касб ўрганиши, тадбиркорликка қадам қўйиши, спорт ва инновация соҳасида ютуқларга эришиши учун тизимли шароитлар яратилмоқда.



ФАРҒОНАДА БОҒЧА БОЛАЛАРИ ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНДИ

Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотиغا кўра, 62 нафар бола шифохонага ётқизилган, уларга “Ўткир диарея касаллиги, алиментар этиологияли” таххиси қўйилган. Қисқа муддат ичида 35 нафар боланинг аҳволи яхшиланиб, уйига жавоб берилган. Қолган 27 нафар бемор стационар шароитда даволанмоқда.



Маълумотларга кўра, ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 257-1-моддаси (санитария қонунчилигини бузиш) билан жиноят иши қўзғатилган. Боғчаларга овқат етказиб берган Қувасой шаҳридаги “Garden Catering Trade” МЧЖ фаолияти ҳам текширилмоқда. **ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИККА МАЪЛУМ ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА.**




1 март — шоира
Зулфия таваллуд топган кун



Ҳаёт китобимни бехос varaқлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени огушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Қўйдим,
Иzzат нима — билдим.
Шу-да бир яшаш!..



тараққиётга
хизмат қилади



Огоҳ бўлинг, ФИРИБГАР!



Бугунги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши нафақат қулайликлар, балки янги турдаги хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда. Айниқса, виртуал оламда содир этилаётган фирибгарликлар фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларига жиддий таҳдид солмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, “Адолат” СДП ташаббуси билан жорий йилнинг 16 феввалидан бошлаб республика миқёсида “ОГОҲ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!” акцияси доирасида кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.



ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА ДЕПУТАТЛАР ХИЗМАТИДА

Депутатлик, мансаб эмас, юксак масъулиятдир. Халқ ишончини қозониб сайланган ҳар бир вакил ўша кундан эътиборан зиммасига катта бurch олади. Сайловолди учрашувларида берилган ваъдалар, сайловчилар ишончини оқлашга қаратилган сўзлар амалдаги ишлар билан тасдиқланиб бориши зарур. Чунки депутатлик ваколати – бу имтиёз эмас, балки халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги масъулиятли хизматдир.



Исроилжон Жўраев,
Наманган вилоят кенгаши раиси

2025 йил давомида халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши ҳамда шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари томонидан “E-Kengash” электрон платформаси орқали жами 549 та депутатлик сўрови юборилди. Мазкур кўрсаткич ҳудудларда депутатлик назорати изчил йўлга қўйилгани, аҳоли мурожаатлари тизимли равишда қўриб чиқи-

лаётгани ҳамда муаммолар ечимига амалий ёндашув кучайтирилганлигини далолат беради. Депутатлик сўровлари, асосан, аҳоли мурожаатлари, коммунал хизматлар сифати, ички йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш, ичимлик суви ва электр таъминоти, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда бандликни

таъминлаш каби долзарб масалаларга қаратилиб, барча сўровлар тегишли ташкилотларга ижро учун йўналтирилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борилади.

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши томонидан жами 53 та депутатлик сўрови юборилди. Энг фаол депутатлар сифатида Наримон Деҳқонов ва Мусахон Оппоқовлар қайд этилди.

Туманлар кесимида Косонсой туман кенгаши 85 та, Янгиқўрғон туман кенгаши 82 та сўров билан етакчилик қилди. Жумладан, Косонсойдан Нодира Қодирова, Янгиқўрғондан Рустамжон Миразимовлар фаоллиги билан ажралиб турди. Шунингдек, Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари энг кўп сўров юборган ҳудудлар сифатида қайд этилди.

Вилоятда, айниқса, “Адолат” социал-демократик партияси депутатлари фаоллиги алоҳида эътирофга лойиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2025 йилда вилоят Кенгашида фаолияти намунали деб топишган уч нафар депутатнинг икки нафари “Адолат” СДП вакиллари бўлди. Бу партия депутатларининг жойлардаги муаммоларни ўрганиш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш ва ижро интизомини таъминлаш борасида изчил иш олиб бораётганидан далолат беради.

Хусусан, Наримон Деҳқонов, Мусахон Оппоқов, Нодира Қодирова ва Рустамжон Миразимов каби фаолларимиз депутатлик назоратини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб, ўз сайёҳаракатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ташаббуслари орқали қўллаб-қувватланган коммунал муаммолар ечим топаётгани эътиборга молик.

“E-Kengash” платформаси депутатлик назоратини кучайтириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, мурожаатлар ижросини самарали мониторинг қилишда муҳим воситага айланди. Мазкур тизим орқали ҳар бир сўровнинг ижроси назоратга олиниб, масъул идоралар фаолиятига аниқ баҳо бериш имконияти яратилмоқда.

Депутатлик сўрови расмийлаштириш учун эмас. У халқ дарди, ҳудуд муаммоси ва унинг ечимига йўл топиш учун интилиш ифодаси. Фаол депутат жамият ишончини оқлаган, халқ манфаатини устувор билган вакил ҳисобланади. Бугун Наманганда ана шундай депутатлар сафининг кенгайиши бораётгани қувонарли ҳолдир.

Дарвоқе, ҳар бир депутат, аввало, сайловчилар ишончи билан сайланган вакил эканини унутиб қўймаслиги керак. Унинг ҳар бир қарори, ҳар бир ташаббуси ва ҳар бир сўрови ортида халқ манфаати туриши шарт.

Ҳар бир депутат ўз сайловчилари ҳузурида доимо ҳисобдор эканини, берилган ваъдалар ва амалга оширилган ишлар юзасидан очик ҳисоб бериб бориши зарур. Zero, халқ ишончи — энг олий мезон. Ана шу ишончни оқлаган вакилгина ҳақиқий халқ депутати бўла олади.

“Адолат” СДП Қашқадарё вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” фаоли, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова чин маънода қаҳрамон аёл. У ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида мактабда, кейинчалик эса Қарши давлат университети талабаларига математикадан дарс бериб келмоқда.

Вазир Ўзбекистон Қаҳрамони билан учрашди



Дилафруз Тўйчиева,
Қарши шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси, “Адолат” СДП фаоли

Муҳаббат Шаропованинг Янги Ўзбекистон таълим тизими ривожини йўлида амалга ошираётган ишлари давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб эътироф этиб келинмоқда. У 1996 йилда “Меҳнат шухрати” орденига сазовор бўлган бўлса, 2007 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонига лойиқ қўрилди. 2016 йилда эса давлатимизнинг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони ҳамда “Олтин Юлдуз” медали билан тақдирланди.

Муҳаббат Шаропова билан мулоқотда бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам, самимий, олижаноб инсон эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Кўни кеча Мактабча ва мактаб таълими вазирини Ёзғозхон Қаримов устоз педагог Муҳаббат Шаропова билан таълим истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Суҳбат давомида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги нафақат педагоглар, балки ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан ҳам эътироф этилаётганлиги таъкидланди. Дўстона ва очик мулоқот давомида партиядошимиз таълимни ривожлантириш юзасидан ўз таклифларини билдирди. Муҳаббат Шаропова мулоқот якунида вазирга ўзининг “Муаллима” китобини тақдим қилди.

Сирдарёлик “адонатчилар” ташаббускор

Муниса СОБИРЖОН,
Сирдарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Гулистон шаҳар “Буюк келажак” маҳалласида яшовчи, оилада ягона боқувчи бўлган Абдулазиз Комиловнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш борасидаги мурожаати ижобий ҳал этилди. Абдулазиз ўзининг автомобилларни таъмирлаш цехини кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш учун халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Эркин Абдураҳмонов ҳамда ҳоким Ёрдамчи Дилшод Юсуповга мурожаат қилганди. Натижада уларнинг тавсияси билан тадбиркорга 18% ли имтиёзли ставка асосида 50 миллион сўм миқдориде кредит ажратилиши таъминланди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз — аҳоли бандлигини таъминлаш ва интилувчан ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдир, — дейди депутат Э.Абдураҳмонов. — 50 миллион сўм маблағ нафақат битта оиланинг даромадини оширади, балки янги иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилади. Ҳозирда Абдулазиз цехини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларини бошлаб юборган.



Маълумот учун, айни кунларда партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида вилоят кенгаши депутати Жамол Комилов бошчилигида “адонатчи” сафдошларимиз аҳоли билан мулоқот ўтказиб, мавжуд муаммо ва таклифларни ўрганмоқда. Хусусан, партиянинг Ховос тумани кенгаши раиси Ғойибназар Райимназаров “Оқчангал” маҳалласидаги “Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги” оилавий шифокорлик пункти биноси бўйича аҳолининг жиддий эътирозларини ўрганди. Маълум бўлишича, бинода таъмирлаш ишлари бошланган, бироқ масъуларнинг эътиборсизлиги туфайли ишлар чала қолган. Шунингдек, ички пардозлаш ишлари охирига етказилмаган. Техник камчиликлар аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун ноқулайликлар туғдирмоқда. Давлат маблағи сарфланган объектда нега сифат назорат қилинмаган? Бундай саволлар очик қолмоқда. Партия масъули ушбу чала ишларни бартараф этиш бўйича қурилиш вакиллари билан суҳбатлашди ва муаммони назоратга олди.

ЁШЛАР МАРКАЗИГА



ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР СОВҒА ҚИПИДИ

Ёшлар юртимиз эртасининг яратувчиларидир. Шу боис мамлакатимизнинг барча гўшаларида уларни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камолга етишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг “Бек тўпи” маҳалласида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш борасида ибратли ишлар олиб борилаётгани эътиборга молик. Бу борада, айниқса, маҳалла ёшлар етакчиси Хусниддин Тошпўлатовнинг сайёҳаракати, ташаббускорлиги таҳсинга сазовор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айниқса, Ёшлар маркази ташкил этишда унинг алоҳида

ҳиссаси бор. Яқинда мазкур марказ фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида зарур техник жиҳозлар билан таъминланганлиги барча ёшларни қувонтирди.

Марказ имкониятлари кенгайтириш ёшлар тафаккури юксалишига хизмат қилади. Шу боис маҳаллада истиқомат қилувчилар ва масъул шахслар унинг равнақи учун имкон қадар ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида ҳаракат қилишмоқда. Яқинда Халқ депу-

татлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Алишер Хусанов томонидан Ёшлар марказига телевизор, компьютерлар жамланмаси ва бошқа зарур техник жиҳозлар тўхфа этилди. Мазкур жиҳозлар марказ фаолияти самарадорлигини янада ошириш, айниқса, IT соҳасидаги машғулотларни юқори савияда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Депутатнинг совғаси ёшларнинг билим кўникмаларини янада кенгайтиришлари учун қўлай ва самарали ўқув муҳитини яратишга қўшилган муносиб ҳиссадир. Ушбу воситалар орқали машғулотлар сифатли ташкил этилиб, назарий билимлар амалий кўникмалар билан мустаҳкамланади. Шунингдек,

семинар, тақдирот ва турли ўқув тадбирларини замонавий технологиялар асосида ўтказиш имконияти кенгайди ҳамда ёшларнинг билим олиш жараёни янада намунали тарзда йўлга қўйилади. Энг самарали улуш ёшлар келажакига тикилган маблағдир, деган фикрда ҳикмат бор.

Бугунги ёшларга қаратилаётган юксак эътибор уларнинг келажакда билимли, ташаббускор ва рақобатбардор муваххассислар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, келажак эгаларининг замонавий билимга эга, ҳар томонлама компл инсонлар бўлиб камолга етишлари ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларида хизмат қилиши шубҳасиз.

“Адолат” СДП Тошкент
шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

Хориж таърибаси ва миллий амалиёт



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

тараққиётга хизмат қилади

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод ИСМОЙЛОВ билан суҳбат

– Дилмурод ака, яқинда АҚШда хизмат сафарида бўлиб қайтдингиз. Айтинг-чи, сафар доирасида АҚШ давлат бошқарув тизими, хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти билан қай даражада танишиш имконига эга бўлдингиз?

– Сунги йилларда мамлакатимиз халқаро сиёсий майдонда ўзининг мустақам позициясини эгаллаш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари қатори дадил оидимламоқда. Бунинг натижаси хорижий мамлакатларнинг Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда эришилаётган ижобий ютуқларни эътироф этаётганида ҳам намён бўлмоқда. Бу жараёнда юртимизда қонун ижодкорлиги соҳасида юз бераётган иқлибобий ўзгаришларни ҳам қайд этиш лозим. Бизнинг сафаримиздан қўзланган мақсад ҳам АҚШнинг қонун ижодкорлиги, яъни, унинг Парламенти фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ундаги ижобий жиҳатларини миллий парламентимиз фаолиятига татбиқ этишдан иборат эди.

– Биламизки, демократик давлатчиликнинг муҳим тамойиллари-дан бири – ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат ва ўзаро назорат тизимидир. Бу механизм давлат қарорларининг бир томонлама қабул қилинишига йўл қўймаслиқда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хўш, АҚШда ушбу тамойил амалда қай даражада ишламоқда? Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар сизда қандай таъсурот қолдирди?

– АҚШнинг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти муносабатлари ўзаро тортишув ва манфаатлар мувозанатини сақлашга қаратилган. Бу жараёнда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг асосий қучини бюджетни тасдиқлашдаги ўрнида қўришимиз мумкин. Парламентнинг бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилишдаги ўрни яққол кўзга ташланади. Мамлакат бюджетни қатта ҳажмда эканлиги уни қабул қилиш тортишувларга бой бўлишига сабаб, деб уйлайман. Кўп вақт талаб этадиган бу жараёнда сиёсий қарашлар, яъни партиявий мансублик ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бу тортишувларнинг замирида миллий манфаатлар ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини сақлаб қолиш биринчи ўринда туришига ғувоҳ бўлдик.

– Албатта, қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан парламент тузилмаси ва кўмиталар институтининг ишлаш механизмига боғлиқ. Профессинал муҳокама ва экспертлик ёндашуви халқчил қонуннинг асосий талабидир. Қўшма Штатларда бу борадаги фаолият билан танишиб, кўмиталар тизими ва қонун лойи-

ҳаларини кўриб чиқиш жараёни ҳақида нималар дея оласиз?

– АҚШда ҳам худди ўзимиздаги каби қонун лойиҳасини маромига етказиш ва уни халқ вакиллари муҳокамасига киритишда кўмиталарнинг ўрни муҳим. Мамлакат Парламентида муайян йўналишлар бўйича кўмита негизда кичик кўмиталар фаолияти йўлга қўйилгани бизда қизиқиш уйғотди. Улар кўмиталар томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашда кўмакчи ва ишчи орган сифатида фаолият кўрсатар экан. Қонун лойиҳасини кўмитада муҳокамадан ўтказиш, масъул давлат органлари, экспертларни жалб қилиш, қонун лойиҳасини юридик жиҳатдан кўриб чиқиш ва ҳоказо жараёнларда ишчи орган сифатида кичик кўмиталар муҳим ўрин тутаркан. Ўйлайманки, АҚШнинг бу таърибаси келгусида ривожланаётган давлатларнинг парламентлари фаолиятига татбиқ этилса, ижобий натижа беради.

– Халқаро умумэтироф нормаларига кўра, икки палатали парламент тизими ваколатлар тақсими ва сиёсий мувозанатга таянади. Қонунчилик ташаббуслари турли даражадаги сиёсий ва худудий манфаатлар уйғунлигида шаклланади. Сизнингча, Ўзбекистон ва АҚШ парламентлари иш услуби ва сиёсий таъсир нуқтаи назарида қандай фарқлар бор?

– Бу масалада иккала маамлакатнинг кўп ўхшаш жиҳатлари бор. Масалан, АҚШда Конгресс аъзоси ҳам,

Мамлакат Парламентида муайян йўналишлар бўйича кўмита негизда кичик кўмиталар фаолияти йўлга қўйилгани бизда қизиқиш уйғотди. Улар кўмиталар томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашда кўмакчи ва ишчи орган сифатида фаолият кўрсатар экан. Қонун лойиҳасини кўмитада муҳокамадан ўтказиш, масъул давлат органлари, экспертларни жалб қилиш, қонун лойиҳасини юридик жиҳатдан кўриб чиқиш ва ҳоказо жараёнларда ишчи орган сифатида кичик кўмиталар муҳим ўрин тутаркан. Ўйлайманки, АҚШнинг бу таърибаси келгусида ривожланаётган давлатларнинг парламентлари фаолиятига татбиқ этилса, ижобий натижа беради.

сенаторлар ҳам, биринчи навбатда худудий манфаатларни акс эттирар экан. Бу ҳолатга ҳар бир конгресмен ёки сенаторнинг хизмат хонасига киришдан аввал ғувоҳ бўлишини мумкин. Яъни, кириш эшиги олдида парламент аъзосининг қайси худуд манфаатларини акс эттириши, худуднинг байроғи, ҳаттоки, ўша худуднинг бирон-бир спорт жамоасининг белгиси ёхуд худуд миллий белгисини ҳам қўришини мумкин.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакики, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш мақсадида икки тизимга

асосланган, яъни можабитар ва пропорционал (партия рўйхати асосида) тизими асосида сайлов тизими жорий этилганини ютуқ сифатида баҳолаш мумкин. АҚШда эса бугунги кунда ҳам фақатгина можабитар сайлов тизими асосида парламент аъзолари шакллантирилади.

– Сир эмаски, замонавий парламент фақат қонун қабул қилувчи орган эмас, балки жамоатчилик фикри билан ҳисоблашувчи очик майдон ҳамдир. Бунда фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқот даражасига демократик тараққиётнинг муҳим мезонларидан бири сифатида қаралади. Шундан келиб чиқиб, АҚШдаги қонунчилик жараёнида жамоатчилик, экспертлар ва нодавлат ташкилотлар иштироки қай тарзда таъминланаётгани юзасидан нималар дея оласиз?

– АҚШнинг бу борадаги таърибасининг ўзига хослигини қайд этиш керак. Қонун ижодкорлиги жараёнида экспертлар ёки нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан иштирок этишда яратилган имкониятлар кенглиги бир томон бўлса, аҳолининг сиёсий жараёнга қизиқиши жуда юқори эканлиги, ташаббускорлиги иккинчи томон. Бундан ташқари, мамлакатда бошқа йўналишлардан ташқари сиёсий жараёнда ҳам волонтерлик хизмати яхши йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ўта фаоллиги ҳам ўрган-сак бўладиган жиҳатлардан биридир. Яна бир янгилик – АҚШда фаолият

сайловчилар олдидаги ҳисобдорлиги жамият ишончини мустаҳкамлайди. Замонавий технологиялар бу жараёни янада очик ва тизимли қилади. Хўш, АҚШда депутатлар ўз сайловчилари билан қай тартибда ишлар экан? Рақамлаштириш ва очик маълумотлар сиёсати қай даражада йўлга қўйилган?

– АҚШда ҳар бир халқ вакили ўзи сайланган худудда офисга ва ушбу офисларда 2-5 тагача ёрдамчиларга эга. Ушбу офис сайловчилар билан доимий равишда алоқада бўлиб туриши, уларни қизиқтирган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш билан шуғулланар экан. Яна бир муҳим жиҳат, халқ вакиллари ўз офислари ёрдамида сайловчилари билан доимий мулоқот қилишга, натижада кейинги сайловларда уларнинг кўмағида қайта сайланиш имкониятини кўлга киритишга ҳаракат қилишади. Бир сўз билан айтганда, офислар сайловчи ва депутатнинг доимий алоқасини таъминлашга хизмат қилади.

Офислар фаолиятида рақамлаштириш ва очиклик масаласи тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, сайловчилар ва улар қўтарган масалаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга устуворлик берилганлиги ҳам депутатларга ўз фаолиятларини изчил олиб боришига имконият яратади.

– Ҳар қандай халқаро таъриба миллий шароитга мослаштирилган ҳолда қиймат касб этади. Механик кўчириш эмас, балки таҳлил ва мослаштириш муҳим. Сизнингча, АҚШ таърибасидан қайси жиҳатлар миллий парламентимиз амалиёти учун долзарб? Агар сиз бўлмаса, сафардан сўнг сиздан қандай ташаббус ва янгиликлар кутсак бўлади?

– Ҳар бир давлатнинг таърибаси унинг миллий манфаатлари, давлатчилик тарихи, миллий қадриятлари ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади ва уни бошқа давлатда жорий этиш ҳар томонлама пухта уйланган режа ва асосланган таҳлилларни талаб қилади. Шундай экан, бизнинг амалий сафаримиз давомида орттирилган билим ва таърибаларимизни яна ҳам чуқурроқ таҳлил қилган ҳолда миллий парламентаризмимизни ривожлантиришда фойдаланишни режа қилганимиз. Ўйлайманки, бизнинг АҚШдаги ҳамкасбларимиз билан бу борадаги ҳамкорлигимиз янада ривожланиб боради ва мамлакатларимизнинг сиёсий ҳаётини юксалтиришда хизмат қиладиган ўзаро таъриба алмашиув тизимини янги босқичга олиб чиқамиз.

– Сухбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Ислон ҲАМРО

Огоҳ бўлинг, ФИРИБГАР!

1 Ички ишлар органлари маълумотларига кўра, охириги йилларда Ўзбекистонда кибержиноятлар барқарор ўсиш суръатини сақламоқда. Шунга кўра, «Адолат» СДП нинг ушбу тарғибот акцияси тизимлилик ва кенг қўламлиликни мақсад қилган ҳолда оммавий тус олди.

Тадбирлар учрашувлар ёки расмий ҳисобот учун ўтказилган маросим бўлиб қолмай балки, уни ягона концепция, ягона мақсад — жамиятда фирибгарликка қарши «хуқуқий иммунитет»ни шакллантиришга қаратилган республика миқёсидаги комплекс кампания сифатида намён бўлди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов 20 февраль куни ўтказилган Тошкент давлат тиббиёт университетидаги мулоқотда мазкур кампаниянинг моҳиятини аниқ ифодалади: «Огоҳлик бор жойда жиноятга ўрин қолмайди». Бу — шунчаки шиор эмас, балки хуқуқий онглиликнинг амалий формуласидир.



Бу борадаги ишлар худудларда ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Хусусан, Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилган тадбир «кибермаданиятни юксалтириш» мавзусига бағишланди. Вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Нарғиза Файзиеванинг таъкидлашича, фирибгарлар энг кўп ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам — ёшлар ва кекса авлод вакилларини нишонга олмоқда. Мутахассислар сохта ҳаволалар ва «ютуқли ўйинлар» ниқоби остидаги тузоқларни ҳаётий мисоллар билан фоти эъланди.

Институт талабаси Сабина Тоштемирова тадбирда иштирок этар экан, ўз хулосаларини билдирди: «Тўғриси, авваллари бу ҳаволаларга ишонардим. Бугун уларнинг аксарияти сохта эканини англадим. Энди бобом ва буёмим ҳам бундай алдовлардан огоҳлантираман».

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Tashkent Trade Center» корхонасида ўтказилган акцияда эса Telegram орқали келаётган сохта «.apk» форматдаги файллар (фотосурат ёки тўғра тақлифнома кўринишида) ҳозирда энг катта хавф экани алоҳида қайд этилди.

Чилонзор тумани ИИО ФМБ Киберхавфсизлик бўлими бошлиғи Жалолиддин Шавкатуллаев бундай файлларни очиб банк карталарига тўлиқ эгаллик қилиш имконини жиноятчилар қўлга топширишни англатишдан огоҳлантирди. Партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Муҳаррам Дадахўжаева эса кексаларнинг нафақа пулларига кўз тиккан СМС фирибгарлар ҳақида гапириб, аҳолини хушёрликка чақирди.

Тадбир иштирокчиси Малика Исмоилова яқинларидан бири бир ойлик маошидан айрилганини аччиқ афсус билан тилга олиб, нотаниш рақамлардан келган ҳаволаларга ҳеч қачон ишонмаслиқни тавсия қилди.



Акциянинг республика миқёсидаги сарҳисобига эътибор қаратилса, ушбу тарғибот кампаниясининг ҳақиқий қўлами тўла акс этади. Ўтган қисқа давр мобайнида республика бўйлаб жами 1358 маротаба тарғибот учрашуви ташкил этилиб, уларда 46 820 нафар фуқаро бевосита мулоқотларда қатнашди ва ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Худудлар кесимида Қашқадарё (5065 нафар), Самарқанд (4660 нафар) ва Навоий (4120 нафар) вилоятлари аҳолини камраб олишда алоҳида фаоллик кўрсатган бўлса, медиа макондаги ёритилиш ҳам салмоқли бўлди: марказий ва худудий телеканаллар орқали 30 марта махсус лавҳалар эфирга узатилди, ижтимоий тармоқлар ва босма нашрларда эса 3500 дан зиёд таҳлилий ва тарғибот материаллари эълон қилинди.



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Адолат» СДП томонидан ташкил этилаётган бундай тизимли ва кенг қўлаб кўчган тадбирлар фирибгарликка қарши кураш, бу фақат хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифаси эканини намён қилмоқда.

Зотан, адолатли жамиятнинг пойдевори — хуқуқий онгли ва ҳар қандай хавфдан огоҳ фуқаролардир.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати



“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Шунинг учун ҳам атоқли адиб Озод Шарафиддинов Ватан мустақиллигини *"Ёши келтиб-кетиб, тордай таранг, капалак шарпаси тегса, узилур... чидай-чидай парандай юлка тортаган"* палпада ҳам чин инсоний фазилатларида мустаҳкам қолган Зулфияхонимни қалбдан соғинганимкин?..